



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«ЖЕТІСAY ТУМАН МТБ»

» 2022й

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Фаргона -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Танлов предмети: **Куёш панели сотиб олиш учун**

1.2. Танлов қиймати : 152 000 000 (Бир юз эллик икки миллион) сум

1.3. Махсулот бўйича Техник тошширик танлов ҳужжатларининг техник қиемда илова қилинган.

Ушбу танлов якуналари бўйича галиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача .

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 « ЁЗЁВОН ТУМАН МТБ » (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -ташав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Фарғона Ёзёвон туман

Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов « ЁЗЁВОН ТУМАН МТБ » “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги милакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлан тажрибасининг мавжудлиги;

ўз қучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз қучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 фойздан кам бўлмаган ҳолда);

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштиришни зарур бўлса, танловда иштирок этиши учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсаат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга руҳсаат берилмайди:

кайта ташкил этилиши (ажратилиши, қўшилиши), тугатилиши ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қелишув, молиявий иштирок, ҳолнинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШИ УЧУН ТАКЛИФЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШИ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришни лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

• Техник қием, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

• Нархлар қиеми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларини яқин ҳолда тикилган, номерланган, бақолатли шахе имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

• Техник ҳужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатаар руйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камда уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камда ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қондаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кун ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камда икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қондаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш кун ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш кун ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиш шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади